

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги

11.10.2019

[Чоп этиш версияси](#)

“Мард ўғлон” мукофотиغا сазовор бўлган йигит



Қашқадарёлик Элмурод Абдураимов “Мард ўғлон” давлат мукофотиغا сазовор бўлган ғайратли йигитлардан.

Элмурод 1991 йил 13 майда Деҳқонобод туманида туғилган. Аввалига тўйларда кураш тушиб юрган ёш полвон болалигидан спорт билан мунтазам шуғулланди. 2008-2019 йилларда спортнинг шотокан каратэ тури бўйича вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказилган мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллади.

Жисмоний салоҳияти, билим ва иқтидорига кўра, у Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари хизматиغا саралаб олинди. Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг ҳарбий қисмда шартнома асосида хизматни давом эттиришга қарор қилди. 2013 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирди. 2017 йилда билим юртини муваффақиятли тугатган катта лейтенант ДХХ Чегара қўшинлари тасарруфидаги ҳарбий қисмда иш бошлади. Айни пайтда у ҳарбий қисм гуруҳ командири сифатида ўзига топширилган шахсий таркибнинг жанговар, тактик отиш, маънавий-маърифий, махсус ва касбий тайёргарлигини ошириш, профессионал чегарачиларни тайёрлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилмоқда.

Элмурод хизмат вазифасини аъло даражада бажариш билан бирга, ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий қисмлари ўртасида ўтказиладиган комбат айкидонинг пичоқ жанги, ноқдаун турлари,

шунингдек, бокс, кикбоксинг, тош кўтариш бўйича нуфузли мусобақаларда ғолиблар сафидан жой эгаллаб келмоқда.

– Президентимиз қарорлари билан шу йили Ёшлар куни арафасида “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирландим, – дейди Элмурод Абдураимов. – Ушбу ишонч зиммамдаги масъулиятни янада ошириб, Ватан тинчлигини асраш йўлида менга янада куч-ғайрат бағишлайди.



3 319

Оқил ҒУЛОМОВ (сурат), ЎзА